

АДАБИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИНГ ИШЛАШ МЕХАНИЗМИ

Шахло Исамиддиновна Ботирова

Тошкент втлояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада билимлар ва кўникмаларнинг жамият ҳаётидаги роли тобора ошиб, чуқурлашиб бориши ҳамда амалиётда орттирилган билим ва кўникмалар инсоннинг бу борадаги эҳтиёжларини тўла қондира олиши учун янгидан-янги билим ва кўникмаларга, уларнинг амалиёт билан муносабатида ўз мустақил позициясига эга бўлиш ишлаб чиқаришнинг исталган шаклида фаолият олиб бораётган ходимлар учун фундаментал аҳамиятга айланиб бориши хусусида сўз боради.

Адабий таълимни кластер модели асосида ривожлантиришда педагогик олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши фан дастурлари ўзаро интеграция ва олинган билимларнинг ҳаётийлигини ошириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Калит сўзлар: инсон, таълим, билим, кўникма, амалиёт, шакл, адабий таълим, механизм, интергация.

КИРИШ

Ҳар қандай соҳада самарадорликка эришишнинг шарти тобора кадрлар салоҳиятига боғлиқ бўлиб, бу таълим ва ишлаб чиқариш орасидаги масофани тобора қисқаришига ҳамда таълимни иқтисодий фаолиятнинг зарурий таркибий қисми сифатида намоён бўлишига олиб келди.

Таълим муассасалари ҳар доим инновация ва илмий ёндашувга эҳтиёж сезади. Бу таълим шакллариининг турли даражаларига ҳам тааллуқлидир. Чунки таълим эндиликда ўзининг тор соҳасидагина ривожлана олмайди. Илмий методлар ва юқори малакали кадрлар таълимнинг имкониятларини, шубҳасиз, кенгайтиради. Ҳозирги кунда илм-фан таълим ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. “Назария назария учун” хизмат қиладиган илмий тадқиқот ва тажрибалар эскирди, эндиликда илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашган ҳолатда параллел равишда олиб бораётганларгина ижобий натижаларга эришади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Адабий таълимда таълим турлари ўртасида интеграция жараёнларини кучайтирмасдан, унинг мукамал ечимлари борасида аниқ хулосаларга

келмасдан туриб кутилган самарага эришиб бўлмайди. Таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнлари эса мамлакат таълим структурасидан тортиб, бошқарув механизмлари-ю фан дастурларигача бўлган жуда катта тизимда ўзаро алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларининг таъминланиши билан содир бўлади. Бу эса анчайин мураккаб ва тизимли фаолиятни талаб қиладиган жараёндир. Бу жараён ҳақида таълимга доир манбаларда кўп гапирилган бўлса-да, аммо ижрога келганда тизимлиликнинг йўқлиги ва назария ҳамда амалиёт ўртасидаги номувофиқлик кўзга ташланади. Бизнингча, бу борада тизимлиликни, таълим шакллари ўртасида ўзаро алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш механизмларидан бири адабий таълимга нисбатан (умуман, барча таълим турларига) кластер ёндашувини татбиқ қилишдир. Адабий таълимни кластерлаштиришда олий таълим муассасаси доминант бўлган сифатида катта масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим.


Адабий таълим кластери адабий таълим билан алоқадор барча йўналишлар бўйича муаммоларни бартараф қилиш, таълимни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлар ва муайян фаолият кўрсаткичларини ошириш бўйича таълим турларининг ўзаро ҳамкорлигида ишлаб чиқилган лойиҳаларни мактаб-лаборатория (модулли мактабгача таълим лаборатория) ларида тажриба-синовдан ўтказиш ва муваффақиятли лойиҳаларни вилоят миқёсида оммалаштиришни назарда тутати (1-расм).

Адабий таълим кластерида педагогик олий таълим муассасаси марказий ўринни эгаллайди. Бу жараёнда педагогик олий таълим муассасаси мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари учун илмий, методик, дидактик ва адабий таълимни ташкил қилиш масалаларида, шунингдек, адабий таълимнинг ўзаро интеграцияга асосланган янги авлод воситаларини яратиш борасида етакчи субъект сифатида иштирок этади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Биз таклиф қилаётган адабий таълим кластер моделида педагогик олий таълим муассасаси ташаббускор мақомида бўлиб, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида адабий таълим билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига илмий ёндашувни қарор топтиради. Муаммолар ҳам адабий таълим кластерлари каби таълим билан боғлиқ турли йўналишларда бўлиши мумкин. Биз тадқиқотимизга замонавий педагогик ёндашувлар воситасида адабий таълимни ташкил қилиш муаммосини педагогик тажриба-синовдан ўтказишни

мақсад қилганмиз. Бунда умумтаълим мактабларининг адабиёт фани ўқитувчиларига шахсга йўналтирилган, компетенциявий, акмеологик ёндашувлар асосида ижодий ўқитиш, репродуктив, эвристик, тадқиқот ва кўргазмали методлардан фойдаланиб дарс машғулотининг самарадорлигини оширишда олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш назарда тутилади.



1-расм. Адабий таълим кластерининг ишлаш механизми

Адабий таълимни кластер модели асосида ривожлантиришда педагогик олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши фан

дастурлари ўзаро интеграция ва олинган билимларнинг ҳаётийлигини ошириш нутаи назаридан қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Фан дастурларини оптималлаштириш доирасида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг фан дастурлари ҳам педагогик олий таълим муассасаларининг фан дастурлари билан биргаликда ягона тизим ва яхлит фан нуқтаи назаридан қайта кўрилиши мақсадга мувофиқ. Қайсидир таълим турининг ўқув режасидан келиб чиқиб иккинчи таълим турида ўқув режаларнинг шакллантирилиши ўзини оқламайди. Адабий таълим фан дастурларини оптималлаштиришда фанни яхлит равишда олиб, узвийлик, узлуксизлик ва интаграцияни таъминлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. “Юқоридан пастга” схемаси билан амалиётга жорий этилган фан дастурларида ушбу ҳолатлар етарли даражада инобатга олинмаган.

Адабий таълим фан дастурларини ислоҳ қилишда табақалаштирилган ёндашув зарур. Бу ўқувчиларнинг қобилиятига қараб ёндашувни таъминлайди. Адабий таълимда ягона фан дастурининг қўлланилиши ўқитувчининг дарс машғулотини фанни ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчи атрофида қуришга сабаб бўлади. Умуман, бугунги кунда интерфаол методлар воситасида (ўйин методларига асосан) дарс машғулотининг жўнлаштирилиши гуруҳдаги қобилияти паст ўқувчиларга билим бериш, дарс машғулоти пайтида уларнинг диққат-эътиборини тортишга қаратилмоқда. Натижада, таълимдан кўзланган мақсадлардан бири – қобилиятли ўқувчиларнинг таълимга бўлган юқори даражадаги эҳтиёжларини қондириш даражасига кўтарила олмаяпти. Шу тариқа битта гуруҳда икки-уч хил тоифадаги ўқувчиларнинг бирга бўлиши натижасида ўқитувчига ҳам мураккаблик пайдо бўлмоқда, ўқувчилар ҳам бундан фақат зарар кўрмоқда. Биз бу билан адабий таълимни тескари принцип асосида ташкил қилмоқдамиз. Бунинг натижасида бизнинг таълим тизимимиз давлат таълим стандартларининг (ДТС) минимум талаблар, ҳатто ундан ҳам паст даражадаги таълимни ташкил қилиш билан банд бўлиб қолмоқда. Бизнингча, таълим жараёнларини табақалаштирилган фан дастурларига ўтказиш, унда дарс машғулотларини кўтариш принципи асосида ташкил қилиш адабий таълимни ташкил қилиш билан боғлиқ энг долзарб масала ҳисобланади.

Адабий таълим кластерининг жорий этилиши умумтаълим мактабларида адабиёт дарс машғулотларининг сифатини оширишга хизмат қилади. Адабий таълим кластери платформаси орқали олий таълимнинг умумтаълим мактаби билан кластер ҳамкорлик муносабатининг йўлга қўйилиши, педагогик олий таълим муассасаси Ўзбек тили ва адабиёти кафедралари ҳамда умумтаълим

мактабларининг она тили ва адабиёт фанлари бўйича ташкил қилинган методик бирлашмалар ўртасида тезкор қайта алоқанинг таъминланиши фанни ўқитиш билан ўқув, услубий, ташкилий ва таълим воситалари билан боғлиқ муаммоларни ҳамкор субъектларнинг салоҳиятларини жамлаш воситасида зудлик билан бартараф қилиш имконияти пайдо бўлади. Кластер доирасида турли таълим шаклларига мансуб таълим субъектлари умумий мақсад атрофида бирлашадилар, ўзаро назорат тамойилига асосан фаолиятларини мунтазам танқидий кузатиб бориш мумкин бўлади.

Педагогик олий таълим муассасаси негизида ташкил қилинган адабий таълим кластери платформаси кластер доирасида ҳамкорлик муносабатларини ташкил қилишда электрон онлайн майдон вазифасини ўтайди.

Адабий таълим кластери платформаси “адабий таълим кластернинг вазифалари”, “адабий таълим кластернинг тамойиллари”, “адабий таълим кластернинг йўналишлари”, “адабий таълим кластернинг стратегиялари”, “адабий таълим кластернинг субъектлари”, “фойдали манбалар”, “ўқитувчилар учун кўрсатма ва тавсиялар”, “мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари”, “мактаб-лаборатория” йўналишлари”, “мактаб-лаборатория” лойиҳалари” каби бўлимлар (саҳифалар) дан иборат. Савол-жавоблар ойнаси олий таълим муассасаси ва умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг тезкор қайта алоқа боғлашининг имконини беради. “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида тажриба-синовдан ўтказилаётган лойиҳаларнинг тажриба-синов жараёнини кузатиш, муносабатларини билдириш имконияти яратилади.

ХУЛОСА

Адабий таълим самарадорлигини оширишга нисбатан инновацион ёндашувлардан бири кластер модели экан, унда адабиёт фан ўқитувчиларининг хайрихоҳлиги ва салоҳиятидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Адабий таълим кластери доирасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш (таълим муассасаси) интеграциясини таъминланган шароитда ушбу ёндашув ривожланишнинг давомийлигини таъминлайди. Кластернинг муваффақиятли ривожланиши учун таълим муассасалари ва бошқа субъектларининг адабий таълимни ривожлантиришга қаратилган қатъий тараққиёт стратегияси, субъектлар манфаатларини мустаҳкамлаш имконини берадиган ҳамкорлик дастурлари бўлиши лозим. Тошкент вилояти адабий таълим кластерининг стратегияси ва дастури мазкур кластер муносабатларида марказий бўғинни

ташкил қилувчи Чирчиқ давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси томонидан ишлаб чиқилиши ва тегишли муассасаларнинг таклиф ва мулоҳазалари билан тўлдирилган ҳолда тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Мирзиеев Ш. М. "Мы построим наше великое будущее вместе с нашим храбрым и благородным народом." "Узбекистан" -2017.
2. Саидахмедов Н. Педагогическое мастерство и педагогические технологии. - Т.: АПИ, 2003.
3. Султанова Г. А. Педагогическое мастерство. - Т.: ТДПУ им. Низами, 2005.
4. Botirova Sh.I. (2020). FORMING PATRIOTIC SPIRIT WITHIN PEDAGOGICAL EDUCATION CLUSTER. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(10), 200-205.
5. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, 5(14), 26-28.
6. Botirova Sh.I. (2018). Methodology And Technology of Social And Pedagogical Activity. *Теория и практика современной науки*, 1(31), 14-16.
7. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, 5(14), 26-28.
8. Botirova Sh.I. (2019). Poetics of artistic psychologism. *Теория и практика современной науки*, 2(44), 31-34.
9. Ботирова Ш.И. (2020). Педагогик таълим инновацион кластери янги устувор йўналиш сифатида. *ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES*, 1(3), 487-494.